# ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 11 октябрь № 40 (217) ● Сотувда нархи эркин


## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси, «Бакри групп» компанияси раиси Абуризол Бакри бошчилигидаги делегация аъзолари 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари К. Раҳимов билан учрашди.

Учрашувда қурилиш, меҳмонхона ва телекоммуникация воситаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни делегация аъзолари Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен билан ҳам учрашдилар.

Суҳбат чоғида мамлакатимиздаги меҳмонхоналар хизмати, алоқа тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, телефон кабеллари ишлаб чиқариш ва чиқиндилардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиладиган материаллар тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**



**Қашқадарё вилояти, Китоб тумани электралоқа корхонасининг бош муҳандиси Файбулла ХЎЖАҚУЛОВ, Гулистон шаҳар АТСи катта электромеханиги Мария ЛИНЕВА ва Сирдарё вилояти давлат электралоқа корхонасининг бўлим бошлиғи Абдуғаффор ҲОТАМОВлар Гулистон шаҳрида ишга туширилган замонавий рақамли АТС тўғрисида суҳбатлашмоқдалар.**

**Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ**

## БУЛҒОР ТЕЛЕФОНЛАРИ БУХОРОДА ЙИҒИЛЯПТИ

Бухородаги Ўзбекистон-Булғория қўшма корхонаси — «Ситора» нинг маҳсулотларига кун сайин талаб ошмоқда. Чунки корхонанинг йиғув цехида булғор телефонлари ишлаб чиқариляпти. У ҳар томонлама чидамли ва қулайдир. Цех ишчилари яқинда хорижлик шерикларидан 20 минг дона телефон ускуналарини олдилар. Айни пайтда улар бир кунда юзлаб ана шундай телефон ишлаб чиқаришяпти.


● Обуна—97

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!*

**ОБУНА БАҲОСИ:**

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:

1 ойга 28 сўм, 6 ойга 168 сўм, 12 ойга 336 сўм.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:

1 ойга 39 сўм, 6 ойга 234 сўм, 12 ойга 468 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 64600

**ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.**


## ОЛАМДА НИМА ГАП?

❖ Янгиликлар ❖ Хабарлар ❖ Воқеалар

● **Тошкентда пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг 55-ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Анжуманда пахтачилик истиқболлари муҳокама қилиняпти.**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон Республикаси шароитига мос келадиган децентрализация» мавзуида халқаро семинар ўтказилмоқда.

● **Сирдарё вилоят ҳокимлигида пахта йиғим-теримини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.**

● Ўзбекистон пахтакорларининг «оқ олтин» хирмонлари 2 миллион тоннадан ортди.

● **Ўзбекистон Республикаси ядро физикаси институтида ядро реакторини ҳимоя этишнинг янги тизими жорий этилди.**

● Мамлакатимизда Германия маданияти кунлари ўтказилди.

● **«Асака» банки ва унинг бўлимлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг автомобилларни кредитга сотиб олишлари учун омонат дафтарларини оча бошлади.**

● Самарқандда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўзбек, инглиз, рус тилларида «Соҳибқирон» тўпламн чоп этилди.

● **Россия Президенти Борис Ельцин Германия канцлери Гельмут Коль билан телефон орқали суҳбатида бошқа масалалар қатори 2004 йилги Олимпиадани қабул қиладиган шаҳар сифатида Санк-Петербург номзодини қўллаб-қувватлаш илтимосини баён этди.**

● Россия йўловчи темир йўл транспортида кира ҳақи 20 фоизга ортди.

● **Туркманистонда хотира куни ўтказилди.**

● Японияда жаҳонда биринчи қоғозсиз газета пайдо бўлди. Энди муштарий кўзойнак қутисидек махсус қурилма тугмачасини босса, ундаги электрон таблода ҳаракатланадиган сатрлар орқали газета хабарлари билан танишиш имкони туғилади.

# ҚИШЛОҚҚА НАФИ КЎП ТЕГАДИГАН ОДАМ

Инсон қайси соҳада ишламасин, аввало ўз танлаган касбидан қониқиш ҳосил қилсин экан. Акс ҳолда у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнаб қўяди. Худойберди ака ҳам урта мактабни тугатгандан сўнг қандай касбнинг этагидан тутсам экан дея кўп ўйлади. Бу ёруғ оламда нима кўп — касб-ҳунар кўп. Аммо танланган касбнинг сир-асрорини пухта эгаллаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.



Қишлоқ ёшларининг бир одати бор: ота-онасининг касби-корига ворислик қилиб қўя қолишади. Гўё бошқа соҳаларда меҳнат қилишнинг қизиғи йўқдек. Нега энди улар ҳам-қишлоқларининг оғирини енгил қиладиган касбларда меҳнат қилишни хоҳлашмайди? Худойберди мана шуларни ақл тарозисига солиб кўрар экан, одамларга кўпроқ нафи тегадиган соҳада ишлашни кўнглига тугиб қўйди.

Яхши нияти йўлдош бўлиб, Худойберди Жўраев 1984 йили Нишон совхоз техникумида иқтисодчи мутахассислиги бўйича таълим олди. Ўқишни тугатгач, у Яккабоғ туманининг Каттабой Ашуров номли жамоа хўжалигидаги «Эсат» алоқа бўлимида почтачилик қила бошлади. Одамларга кўпроқ нафи тегадиган соҳа— алоқа соҳаси эканлигини юракдан ҳис қилган Худойберди ака бу ерга ишга келиб янглишмаганини тушунди. У ҳар куни деярли бир хил ишни такрорлайди. Бўлимга келган газета-журнал, хат-хабарларни керакли манзиллар бўйича алоҳида-алоҳида ажратиб, эгада, одамни ортиқча уринтириб қўядиган юмуш йўқдай... Аммо ана шу оддий юмушдан маънавий қониқиш ҳосил қилиш умрни файзли-мазмунли қилади.

— Кейинги пайтда қишлоғимизда обуначилар сони кескин камайиб кетди, — дейди Худойберди ака биз билан суҳбатда. — Аммо ҳамқишлоқларимнинг кўпчилиги матбуот нашрларини мутолаа қилишни хоҳлашади. Туман марказидан газета-журнал олиб келсам, қўлма-қўл бўлиб кетади. Ҳозир обуна қизиган бир пайтда бу ишга масъул бўлган барча мутасаддилар обуна нархларини иложи борича аҳоли учун арзонроқ баҳоларда белгилашса кўнгилдагидек иш бўлар эди.

Бу йил Худойберди Жўраевнинг почтачи бўлиб ишлаётганига ўн йил бўлди. Шу даврда у қанчадан-қанча хонадонга хушхабар етказди, нафақачиларнинг дуоларини олди. Каттабой Ашуров номли жамоа хўжалигида яшовчи Эштемир Ҳасанов, Норқобил Зокиров, Абдураҳмон Мухторов каби нафақахўрлар беминнат почтачининг хизматидан хурсанд-дирлар.

Ҳозирги кунда Худойберди ака Тошкент Алоқа коллежида сиртдан таълим олмоқда. У киши битта нарсани яхши билади: ҳалол меҳнат қилган, эл-юртнинг корига яраган одам ҳеч қачон хор бўлмайди.

**Эшмуҳаммад ЗОКИРОВ,**
**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қашқадарё вилояти**

# ТЕЛЕФОНЛАР КЎПАЙТИРИЛСА...

Хизмат сафари билан Сурхондарё вилоятига боргандим. Термиз автовокзалидаги диспетчер хонасидан зарур жойларга қўнғироқ қилмоқчи эдим, телефон ишламаётганлигини айтишди. Диспетчер бошлиғидан яна қаердан қўнғироқ қилиш мумкинлигини сўраганимда бу атрофда телефон йўқ эканлигини айтди. Унинг сўзига ишонқирамай автовокзал атрофини айланиб чиқдим. Дарҳақиқат, бирон жойда телефонга кўзим тушмади. Ниҳоят, телефон орқали бир оғиз сўз билан битадиган ишимни кўп оворагарчиликдан сўнг аранг уддаладим.

Вилоят маркази—Термиз шаҳридаги ҳамиша одамлар билан гавжум автовокзалда биттагина телефон бўлиши, боз устига унинг ҳам ишламаслиги одамни ажаблантиради. Мабодо кимгадир «тез ёрдам» кўрсатиш зарурати туғилса ёки бошқа бирон кор-ҳол юз берса нима бўлади? Одамлар додини кимга айтади? Наҳотки Термиздек катта шаҳарда телефонларни кўпайтириб қўйишнинг иложи бўлмаса? Бозор иқтисодиёти қийинчиликларини рўкач қилмасдан аҳолига қулайлик яратишнинг вақти келмадимикин? Вилоят давлат электралоқа корхонаси раҳбарлари бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўришса фойдадан холи бўлмасди.

**И. ОМОНОВ,**
**Сурхондарё вилояти**



**Тошкент шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси муҳандиси И.Г. ТИТКОВА станция ишини назорат қилмоқда.**
**Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ**

# ЭРТАНГИ КУННИ ЎЙЛАБ...

Навоий вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида маҳаллий ёшлардан мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилаётир. Корхонанинг ходимлар бўлими вакиллари ҳар йили вилоят туманларида бўлиб, эндигина мактабни битирган ёшларни алоқачилик касбининг сир-асрорлари билан таништириб, тарғибот ишларини олиб боришяпти. Шунинг натижаси бўлса керак, Тошкент электротехника Алоқа институти ва Тошкент Алоқа коллежида навоийлик талабалар сони ортиб бормоқда. Бу йил мазкур ўқув даргоҳларига ҳужжат топширган йигит-қизларнинг етти нафари институт талабаси бўлишди.

Шунингдек, корхонада ходимларнинг ўз мутахассисликлари бўйича билим савияларини оширишга ҳам эътибор қаратилган. Тошкент Алоқа коллежининг сиртқи бўлимларида ўқиётган ишчи-хизматчиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Уларнинг сони шу йил ёзда яна биттага кўпайди.

Корхонада зарур мутахассисликлар бўйича шартнома асосида ёшларни ўқишга юбориш яхши йўлга қўйилган. Йўлланма билан юборилган абитуриентларнинг сафар харажатлари, яшаш ҳақи ва пуллик консультациялари учун тўловларнинг ҳаммаси корхона ҳисобидан тўланди.

Шу боис ҳам жорий йилда Тошкент электротехника Алоқа институти талабаси бўлган ёшларимиз тест синовларида Тошкент электротехника Алоқа институтининг Эльвира Каримова институтнинг менежмент-маркетинг факультетига ҳужжат топшириб, давлат тест синовларида 209 балл тўплагани қувончли ҳолдир. Мазкур ўқув даргоҳларини тугатиб, вилоятга келган ёш мутахассисларни иш билан тўлиқ таъминлаш доимо диққат-эътиборимиздадир.

**Г. ЮСУПОВА,**
**Навоий вилояти давлат электралоқа корхонасининг ходимлар тайёрлаш бўйича муҳандиси**

• *Ажаб дунё*

## ДЕЛЬФИН — «ФАХРИЙ ПОЧТАЧИ»

Дельфинлар ўзларининг ажойиб хислатлари — шароитга тез мослашишлари, одам билан яхши муносабатда бўла олишлари, қўлга тез ўрганишлари билан инсонларни кўпдан қизиқтириб, ўзига жалб этиб келмоқда.

1964 йили Атлантика океанида бир дельфин тутиб олинган. «Таффи» лақаби берилган бу дельфин бошқа дельфинлар қатори дастлаб Тинч океани соҳилидаги «дельфинлар театри»га олиб борилган. Дельфинлар дирижёр ёғочининг ҳаракатига қараб сувдан чиқиб, ўзларига хос оҳангда «куйлай» бошлаганлар», ўша театрда Таффи ўргатувчилар эътиборини ўзига тортиб қолган. Дрессировкачи Вэлли Рос деган аёл Таффини океанариумда турли мазмунда машқлар қилдира бошлаган: дастлаб унга сув остида ҳолдан тойган сузувчи ёки ғаввосни қутқариш — унга қутқарув симиниг учини олиб бериш, турли буюмларни сув остидан олиб чиқиш ўргатилган. Махсус сигнал берилиши билан Таффи Вэлли ҳузурига етиб келадиган бўлган. Чақириқ сигналини 3,5 километр наридан эшитган.

Таффи ҳушёр ва зеҳни ўткир бўлиши билан бирга кучли ҳам эди. У оғир юкларни сув устида ва сув остида тортиб юра олган. Дельфинлар кўпинча акулалар билан олишиб, уларни қувиб юборадилар ёки ҳалок этадилар. Шундай қобилиятга эга бўлган Таффи «Силэб-2» сув ости тажрибахонаси ходимларини акулалар ҳамласидан сақлаб, муҳофаза қилиб турган. 1965 йили АҚШнинг Калифорния қирғоқларида бир ярим ойлик сув ости тажрибалари ўтказилган. Тажриба вақтида «Силэб-2» тажрибахонасининг ходимларидан бирортаси адашиб қолса, дельфин дарҳол ёрдамга шошилган: ҳуштак овозини эшитиши биланоқ зудлик билан тажрибахонага сузиб келиб қутқарув симиниг учини адашган одамга олиб бориб берган. Бу ишни дельфин бир минутда бажарган. Шундай хизматлари эвазига у «Силэб 2» экипажининг фахрий аъзоси қилиб сайланган.

Таффи почтачи вазифасини ҳам адо этган. Экспедиция вақтида сигнал бўйича денгиз юзасига чиққан. Хатлар, янги газета ва журналлар, юбортма, озиқ-овқатлар, ҳатто турли асбоб-ускуналарни унга тутқазганларида Таффи уларнинг ҳаммасини тегишли жойга бекаму кўст элтиб топширган. Тажрибалар вақтида Таффи 64 метр чуқурликда «Силэб-2» тажрибахонаси билан «Бэркон» кемаси орасида кунига 20 марта-қатнаб, шошилинч хабар ва асбоб-ускуналарни етказиб бериб турган. АҚШ почтачилари миллий уюшмаси Таффига «фахрий почта»чи унвонини беришган.

**Ш.АКБАРОВ**
**тайёрлаган**

*ТАБРИКЛАЙМИЗ!*

**Ҳурматли Саодатхон БЎРОНОВА!**

*Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан қутлаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда омад тилаймиз.*

**Сурхондарё давлат почта алоқа корхонаси жамоаси**

Ҳамроқул АСҚАР

# МЕН СЕНИ ҲАМИША СЕВИБ ЯШАДИМ!


*Дарахтлар неча бор барғини*
*тўкди,*
*Келиб кетаётир қанча баҳорлар...*
*Хотирам лавҳига кеч етиб*
*келди*
*Мунис нигоҳларинг берган*
*хабарлар.*
*Олис юлдузларга боқиб чарчадим,*
*Бу замин чексиздир, бу кўк*
*бепоён.*
*Ҳеч кимса дилимдан эмас*
*хабардор,*
*Ўзимдан ўтгани ўзимга аён.*
*Сен юрган йўлларга ҳамиша,*
*бағрим,*
*Кўзимда ёш билан нигоҳ*
*ташладим!*
*Мен сени ҳамиша соғиндим эй гул,*
*Мен сени ҳамиша севиб яшадим!*
*Бизга кулиб боққан кибрли дунё,*
*Доим кемтиб келди,*
*имконларимни,*
*Бағримдан довулдай юлиб*
*олди-ку,*
*Кўнглимга энг яқин*
*инсонларимни.*
*Мен бўйин эгмовдим дунёга*
*мағрур,*
*Сен боис ёлбордим, сени сўрадим,*
*Мен сени ҳамиша соғиндим эй гул,*
*Мен сени ҳамиша севиб яшадим!*

*Олис кенгликлардан тўлқинлар*
*келар,*
*Хаста юрагимга бахш этиб*
*жунун.*
*Бобо ўгитларин шивирлар лабим:*
*Фоилотун, фоилотун, фоилун...*
*«Меҳр кўп кўргуздим аммо —*
*Бир меҳрибоне топмадим...»*
*Мен сени ҳамиша соғиндим эй гул,*
*Мен сени ҳамиша севиб яшадим!*
*Ҳатто хундорлар ҳам ярашар бир*
*кун*
*Ё, қасос лаззатин бахш этар*
*қазо.*
*Бунча меҳрибонсан, бунча*
*бераҳм,*
*Шафқат ҳам демассан,*
*бермассан жазо.*

*Қани энди кел!*
*Ёмғирдай сочил,*
*Қалбимнинг поёнсиз*
*бўшлиқларига.*
*Мен сени доимо ошно этаман*
*Кўнглимнинг энг пинҳон*
*қўшиқларига.*
*Шу осмон остида кимни*
*учратсам:*
*«уни кўрмадингму» дедим,*
*Сени сўрадим —*
*Мен сени ҳамиша соғиндим эй гул,*
*Мен сени ҳамиша севиб яшадим...*

## СЕН БУ ДУНЁНИНГ ГЎЗАЛИ, ШАРБАТИ

*Сенсан бу борлиқда ёлғиз*
*топганим.*
*Сенгадир қалбимнинг тафти,*
*заҳмати,*
*Излаганим сенсан,*
*сен йўқотганим.*
*Сенинг таърифингда аҳли шеър*
*ожиз*
*омонат умримга ягона илинж —*
*сенинг кўзларингни қуёш дедилар*
*нигоҳингни дедилар қилич.*
*Уларнинг биттаси Навоий эди,*
*уларнинг биттаси Ҳофиз...*
*Шулардан ўтказиб нима ҳам*
*дердим*
*кўзимда ёш билан ортингдан*
*чопдим,*
*Асаби бузилган бу асрда мен*
*гоҳ сени йўқотдим, гоҳ сени*
*топдим.*
*Ҳар лаҳзам ғанимат, ҳар лаҳзам*
*лазиз*
*севгининг бетакрор лаҳзаларида.*
*Сочингни ўйнаган шамоллар*
*дилгир*
*шивирлар ғанимнинг*
*лаҳжаларида...*
*Севгилим!*
*Кўнглимни аврама алдовлар*
*билан*
*Муҳаббат сайлига шошгил*
*салқинда*
*кўзларимга тикил,*
*лабларимдан ўп.*
*Мен хабардорман ҳамма*
*нарсадан*
*ҳеч нарса билмайман сенинг*
*ҳақингда...*



* * *

*Энг тоза кўйлагинг эгнингда*
*Энг тотли сўзларни сўзладинг.*
*Билмадим не кечди кўнглингда,*
*Ернингму, фалакни кўзладинг.*
*Сен заминда туғилиб ўсган*
*Самовотга тегишли малак.*
*Майли, жаҳон ҳажрингда кўйсин,*
*Чунки, сенинг ўрнингдир фалак.*

*Сен фазоларни кезсанг ярашар,*
*Боқма бу дунёнинг эркакларига.*
*Қўлларингни бер, олиб кетайин*
*Муҳаббат мулкининг эртакларига.*

*Кунлар чиқсин кўнглингга қараб,*
*Ойлар ботсин кўнглингга қараб.*
*Шаббодалар қувончдан толсин,*
*Сенинг сумбул сочларинг тараб.*

*Кел бир нафас ёнимга ўлтир,*
*Кўзларингдан ўпайин суюб.*
*Эй, воҳ, қалби тоза инсоннинг*
*Дийдорига бўлмайди тўйиб...*

## ХАНДАЛАР

Банкка қўлида тўппонча билан кирган қароқчи хитоб қилди:

— Ҳамма қўлини кўтарсин! Тезроқ!

Қўрқиб кетган хизматчилар қўлларини кўтарганча туриб қолишди. Қароқчи хижолатомуз давом этиб деди:

— Ҳамма қўлини кўтардими? Кузойнагим уйда қолган экан, яхши кўрмаяпман.

* * *

Ота тунда ўғлини ухлатиш учун эртак айтарди. Орадан анча вақт ўтгач ётоқхонага хотини кириб сўради:

— Ҳўш, ухладими?

— Хайрият, ахийри ухладия, — деди ўғил.

* * *

— Эшитишимча, жуда бахтиёр эмишсан. Қандай қилиб бунга эришдинг?

— Жуда осон. Мен бадавлат эркак билан танишдим. Унинг пули, менинг тажрибам бор эди.

— Эндичи?

— Энди унинг тажрибаси, менинг эса пулим бор...

* * *

— Отажон, циркка олиб боракалинг!

— Вақтим йўқ, ўғлим.

— Айтишларича, циркда ялангоч хола йўлбарсни миниб ўйнатаркан.

— Шунақами? Майли, кетдик бўлмаса, анчадан буён йўлбарсни кўрмагандим.



Кутаман тоабад гулга айланиб,
Гоҳо йўл пойлайман, кўзга айланиб,
Замин бир лавҳ бўлса, мен куттум мангу
Муҳаббат деган бир сўзга айланиб.

•Мерос

Шайх Иброҳит ал-Азроқ

# УЙҚУ ЛАТИФ НЕЪМАТДИР

Маълумки, уйқу инсон аъзоларининг ҳаракатсиз ҳолатда дам олишидир.

Унда нафас олиш осойишта бўлади, баданда мўътадил ҳарорат сақланади. Уйқу Аллоҳ берган латиф бир неъматдир. Бунда аввало мия дам олади, юрак ишига асорат етмайди, нафас олиш аъзолари ҳаракати мўътадиллашади. Нафас олиш ҳаётнинг давом этаётганини, ақл, заковат ва ҳис қилиш қобилиятларининг мавжудлигини билдиради.

Уйқунинг тўрт сифати мавжуддир. Биринчиси: чалқанча ётиб ухлаш—бу анбиёлар уйқусидир. Иккинчиси: ўнг ёнбошда ухлаш— бу уламолар ва авлиёлар уйқусидир. Учинчиси: чап ёнбошда ухлаш—бу султонлар уйқуси, таом яхши ҳазм бўлади. Тўртинчиси: юз тубан ётиб ухлаш—бу шайтонлар уйқуси. Уйқунинг иккита фазилати бор: биринчидан, куни билан ҳаракатда бўлган инсон аъзолари роҳат қилади, нафас равонлашади. Иккинчидан, таом бир меъёрда, хотиржамликда ҳазм бўлади. Уйқу 6-8 соат давом этиши лозим.

Ўнг томонга ёнбошлаб ётиш айни муддао ҳолатдир. Уламоларнинг айтган ҳикматларига кўра, бу ҳолатда юрак уриши мўътадил бўлиб, инсон чуқур уйқу ҳолатида бўлмайди, юрак ҳудди муаллақ турган ҳолда бўлгани учун унга босим сезилмайди.

Энг яхши уйқу бу тунги ором олишдир. Ётишдан олдин бироз сайр қилинади. Сўнгра ўринга ётиб, ўнг томонга бироз ёнбошлаб ётилади. Бу ҳолда меъдадаги овқатларнинг қолгани батамом ҳазм бўлади. Сўнгра узоқ муддат чап ёнбошда ётган маъқул. Кўп миқдорда сув ичиш ва узоқ муддат уйқуга ётмаслик баданнинг қуруқшаб қолишига олиб келади, мияга салбий таъсир кўрсатади.

Бедорлик бу салбий ҳолатдир. У узоқ вақт уйқу келмаслиги оқибатида инсонда содир бўлади ва мия фаолиятига салбий таъсир ўтказади. Машҳур ҳаким ал-Маридинийнинг таъкидлашича, бедорлик хасталигига мубтало бўлган шахс оёқларини иссиқ сувга солиб ўтирса фойда топади. Агар ёстиқ тагига семизўтни қўйиб ётса уйқу яхши келади. Дуккакли ўсимликлардан тайёрланган таомларни истеъмол қилиш ҳам уйқунинг яхши бўлишига олиб келади. Уйқу келтирувчи турли афионли дориларни истеъмол қилиш инсон аъзоларини ҳолдан тойдиради ва уларнинг касалликка чидинишини осонлаштиради. Шунинг учун бедорликдан қутулиш учун фақат табиий гиёҳлардан фойдаланиш, кундалик ишларни мўътадил олиб бориш зарур. Уйқудан олдин енгил овқатланиш, ичимликни меъёрида ичиш, уни иложи борича камайтиришга интилиш зарур. Уйқута ётишдан олдин инсон руҳига фойда келтирувчи китоблардан мутолаа қилиш, Қуръони карим сураларини ўқиш ва ёд олиш керак.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖУРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0608. 7863 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

## ДУШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00–8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Кўнгил тароналари».
9.00 «Нафосат шайдолари». Кинодастур.
9.30 «Дўстлик ришталари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
10.35 «Харвён». Публицистик кўрсатув.
11.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Ипак йўли. Нурота», «Кўчиш шарт».
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.00 «Ҳуқуқ сабоқлари».
12.25 «Буланка» мехмонхонаси». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Менда фикр бор».
18.50 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Чаманиорингдан». Концерт.
21.45 «Вахт».
22.00 «Морена Клара». Телесериал.
22.45 «Мозийдан садо».
23.05 «Фақат қизлар учун».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
00.40 Тунги тароналар.
00.05 — 00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 « Мак ва Матли».
21.30 «Кўрьер».
21.50 «Прайм-тайм». Телевидение хаётидан.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.30–00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Самарқанд». Телефильм.

*

**Россия жамоат телеканалининг**
**18.10 — 20.35**

*

20.35 «Адиба Шарипова чалади». Телефильм.

*

**Россия давлат телеканалининг**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 Болалар учун кўрсатув.
19.35 «Чирок».
19.45 «Дайди тўтининг сайри». Мультфильм.
19.55 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.15 Эълонлар.
20.20 «М» хабар.
20.30 Авторейд.
20.40 «Шлягер».
20.50 «Кимга — камага».
21.35 Тунги сеанс. «Садоқат» (Ҳиндистон). 1-серия.
22.55 «Ал-ё».
23.25 «Спорт-тайм».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

## СЕШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Менда фикр бор».
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нонинг бутун бўлсин, элим».
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.35 Болалар учун. «Ок рух».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Телеочерк.

**Ўқув маълумотлари:**

10.30 Тасвирий санъат.
11.00 Инглиз тили.
11.30 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.

*

12.05 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
12.35 «Йўқолган гувоқ». Бадиий фильм.
14.00–14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.30 «Ал-Бошрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Альманах-ТВ».
22.20 «Дурдона».
22.35 «Замон».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Ойтин кент».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тўлқинлар».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 —00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Винни-пух». Мультфильм.

*

**Россия жамоат телеканалининг**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

**18.10 — 20.35**

*

20.35 «Эсдалик учун дастхат».

*

**Россия давлат телеканалининг**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Болалар учун ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.20 Шифокор билан мулоқот.
19.50 «Дипкурьер».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Соликлар ҳақида сабоқлар».
21.10 Эълонлар.
21.15 «16 вилоят». Немис тилида шарҳ, Ўзбекистонда Германия маданияти кунларига бағишланган кўрсатув.
21.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 «Коллаж».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Кўркам сакура».
23.10 «Жилет-спорт».
23.40 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

## ЧОРШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Мусиқий саёҳат».
8.45 «Альманах-ТВ».
9.25 «Аёл бахти». Кинокўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Юксалиш». Публицистик кўрсатув.

**Ўқув маълумотлари:**

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 Чанг тароналари.
12.05 «Казинамиз таянчи».
12.40 «Ажойиб хаёлпарast». Бадиий фильм.
14.00–14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гулларимиз».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...»
18.30 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телефестивали.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.25 «Талқин. XX аср».
21.50 «Морена Клара». Телесериал.
22.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.50 «Автоспазм».
23.05 «Рангин дунё».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «МХСК».
00.40 Тунги тароналар.
00.50–01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Ўйинчоқлар дунёси».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.25 — 00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қушлар кузи». Телефильм.

*

**Россия жамоат телеканалининг**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

**18.10 — 20.35**

*

20.35 «Бал рақси санъати».

*

**Россия давлат телеканалининг**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «ТВ IV канали эксклюзиви».
19.40 Қалб тароналари.
20.05 «Маъноли қарчашмалари».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Тошкент оқшомида».
21.20 «Марҳабо».
21.50 «Ташрифлар ва тақлифлар».
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.40 «Бизнес мираж».
23.10 «Тошкентнома».
23.40 «Юлдузлар жилоси».




00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

## ПАЙШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Буюк келажак сари».
8.55 «Ер сенсиз». Кинохонцерт.
9.15 «Ажодларимиз мероси». Публицистик кўрсатув.
9.45 «Икки қунчуқнинг саргузашти». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эҳтиёт бўл, болажон!».
10.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.50 «Зилол» Фольклор-этнографик ансамбларнинг телефестивали.
11.10 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
12.45 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта таниффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Аввал иқтисод...»
19.00 Дилнавоз садолар.
19.05 «Ишончга асосланган ҳамкорлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари».
21.15 Дилнавоз садолар.
21.25 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.35 «Одобнома».
21.45 Оятни мерос. Ў. Умарбеков. «Киёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролни Халқ артисти Ш. Бурхонов ижро этган.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Атласчи».
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 — 00.40 «Спорт қитъаси».

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Оддий кун». Телефильм.

*

**Россия жамоат телеканалининг**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

**18.05 — 20.35**

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл».

*

**Россия давлат телеканалининг**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.20 — 22.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сахий хонадонда».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Шарқим — фахрим».
21.25 «02 тўлқинида».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Каталог».
22.00 «Эколот-коктейль».
22.30 «Компьютер-ревю».
22.55 Дандюри фестивали. «Кўринг — ишонч ҳосил қилинг».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

## ЖУМА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Пойтахт концерт залларида».
9.15 «Кўхна тарих». Кинодастур.
9.45 Футбол шарҳи.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мўжиза». Публицистик кўрсатув.
10.35 Немис тили.
11.05 «Кичкинтойлар—гижинтойлар».
11.25 «Фермер». Тележурнал.
11.55 «Бурилиш». Бадиий фильм.
13.30 «Кичкинтой» устахонаси.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Синфдош».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Тақдим».
19.05 «Ингит ошон бўлса».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Таниш ва номаълум».
22.10 «Оҳанглар оғушида».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Соғлом авлод учун».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Таманно».
9.30 Дилором наволар.
9.40 Мулоҳаза учун мавзу.
10.00 Видео янгиликлари.
10.20 Видео — «О».
12.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 Кинохроника.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Рахурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзорга қайтиш». Телефильм.

*

**Россия жамоат телеканалининг**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

**18.15 — 20.35**

*

20.35 «Мусиқа ҳамма учун».

*

**Россия давлат телеканалининг**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 — 22.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Қизиқарли воқеалар.
19.25 «Билиб қўйган яхши».
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Юлдузлар жилоси».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Кафолат».
21.35 «Мусиқий мехмонхона».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.35 «ТВ IV да Немис тўлқини».
23.05 Эълонлар.
23.10 Араб эстрадаси.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

## ШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

***

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Биринчи қадамларга». Бадиий фильм.

**«Ёшлик» студияси навбатдаги эпизоди:**

10.20 «Мен ёшликман».
10.50 Ёшлик хабарномаси.
11.00 «Баҳс».
11.20 «Шоҳрух» клуби.
11.50 «Аёл борки, олам мунаввар». Публицистик кўрсатув.
12.20 «Яшил чирок». Телетанлов.
13.05 Эстрада кўшиқлари.
13.35 — 14.35 «Эл ардоғидаги саньаткор». Ўзбекистон халқ артисти Ф. Раҳматова.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган кўшиқ».
19.05 «Табаррук қадамжолар». 1-кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ҳайрат».
21.35 «Азиз сийлолар». Халқ артисти Аббос Бакиров.
21.55 «Оҳанглар оғушида».

**«Тунги ёлдуз».**
**Дам олиш дастури:**

22.05 «Заковат».
22.15 Куй ва тасвир.
22.35 «Имкон чўккилари».
22.40 Туркон Шорай «Махбуб» фильмида.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 Кинохроника.
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Ўйинчоқлар растаси».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Рахурс».
11.40 «Камолот».
12.00 Видео — «О».
13.40 — 14.40 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Хозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Нориза ва ношукурлар» турқимидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Хозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

**«Шанба оқшоми».**
**Дам олиш дастури:**

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.55 Дастурнинг очилиши.

*

**Россия жамоат телеканалининг**
**18.00 — 21.40**

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Мактуб». Бадиий фильм. 1-серия.

*

**Россия давлат телеканалининг**
**22.35 «Вести».**

*

23.05 — 23.15 «Хонатлас». Телефильм.

IV

9.00 «Шанба эртаги».
10.00 Эълонлар.
10.05 «Рақслар қанотида».
10.35 «Комедиантлар».
10.45 «Клип-антракт».
10.50 Эълонлар.
10.55 «Чинсэн».
11.25 Кинонинг олтин асри. «Бўйсунмас мариза». Бадиий фильм.
12.55 «Олам ва одам».
13.20 «КВН».

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.10 «Комедиантлар».
20.20 «Италия верниссажи». Милан.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Спектаклдан сўнг».
21.15 «Хит-коллекция».
21.30 «Жилет-спорт».
22.00 «Салом, Франция!».
22.30 Кинонинг олтин асри. «Уч юз спартаниклар».
24.00 Эълонлар.
00.05 «Тақдир».
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!».

## ЯКШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

***

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
11.30 «Халқ ижодиёти».
12.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 12-кўй.
12.40 «Кувноқ стартлар».
13.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.50 — 14.50 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Биз сиз билан».
18.20 «Ал-Бошрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Табаррук қадамжолар». 2-кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 «Ижоҳ сатрлари».
21.30 «Мусиқа саёҳатлари».
21.50 «Шарқ ва бахт».
22.15 Дидқат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 13-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «СК» — «Пахтакор».
00.45 «Келгуси хафтада».
01.00 Тунги тароналар.
01.10 — 01.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Хозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Хозиба».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Дарахчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Таманно».
19.00 Мулоҳаза учун мавзу.
19.20 Дилором наволар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.15 Якшанба лаҳзаси.
20.20 Бугун кино оқшомида.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мухлис — ТВ-2».
21.20 «Нориза ва ношукурлар» турқимидан. Телесериал.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео — «О».
00.20 — 00.25 Дастур ниҳояси.

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

**Россия жамоат телеканалининг**
**17.15 — 22.00**

*

22.00 Эълонлар.
22.05 «Мактуб». Бадиий фильм. 2-серия.
22.55 — 23.25 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 Эълонлар.
9.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.50 «Парле ву франсэ?».
12.20 «Жонли сайёра».
12.40 «Очигини айтганда». Дам олиш дастури.
13.15 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
13.45 «Биргалашиб қуйлаймиз». Мусиқий дам олиш кўрсатуви.
14.35 «Кинопрофи». Жаҳон киноси янгиликлари.
15.05 Киносалон. «Модельер».
16.45 «Телеташриф».
16.55 «Мусиқий олиш».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун».
19.20 Афсоналар ва ҳақиқат. «Монстр». 3-қисм.
20.15 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
20.35 «Ҳонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.05 «Кинопрофи». Жаҳон киноси янгиликлари.
21.35 «Ишқирон этувчилар».
22.05 Киносалон. «Хизматкор». Бадиий фильм.
24.00 «Сенинг вақтинг».
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!».

**(«Тошкентдан гапиramиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).**